

*Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!*

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 28-yanvar, payshanba, 11 (23.447)-son


**Кун ҳикмати**

Мансабнинг сояси вақтинчалик юриш мумкин, аммо мартабанинг сояси – бир умрлик

*Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЙИГИРМА БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

*"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан* **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ йигирма биринчи сессияси **2021 йил 29 январь куни соат 10:00 да** чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

- Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) минтақавий вакиллигининг 2020 йилда амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи;

- Пайариқ тумани ҳокими Д.Мусиновнинг Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичларига кўра, туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини яхшилаш юзасидан амалий чора-тадбирлар дастурининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботи;

- вилоят ҳокимининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.Нуруллаевнинг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахбороти;

- вилоятда 2020 йил Бандлик дастури ижроси ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида ажратилган бюджет маблағларининг тўғри ва самарали сарфланишини, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ҳамда Жамоат ишлари жамғармаси маблағларининг сарфланиши юзасидан вилоят бандлик бош бошқармаси бошлиғи И.Жабборовнинг ҳисоботи;

- вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Д.Шакарбоевнинг ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш юзасидан юритилган доимий мониторинг натижалари тўғрисидаги ҳисоботи;

- халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2020 йил 23 июлдаги "Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши котибиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 67/11-сонли қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;

- вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисида;

- "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви қошида ташкил этилган "Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тўғрисида.

**Вилоят ҳокими в.в.б.** **Ж.ЎРОҚОВ**

*2021 йил 23 январь*
*№ 9 - Қ*

*Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ*

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ – ЮРИДИК ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ТЕГИШЛИ ЕНГИЛ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН ТЎЛОВЛАРНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1010-сонли қарорининг 5-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 4 июндаги (04/11-01-32/1888-сон) ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 20 майдаги (12/6-5/2348-сон) хатини инобатга олиб, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-, 25-моддаларига асосан* **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Самарқанд вилоятида тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш бўйича хизматлари учун тўловларнинг чекланган миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимлиги матбуот котиби – ахборот хизмати (М.Мирзаев) мазкур қарорни «Зарафшон» ва «Самаркандский вестник» газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вилоят ҳокими в.в.б.** **Ж.ЎРОҚОВ**

*2021 йил 26 январь*
*№ 10-Қ*

**ИЛОВА**

*Вилоятда тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш бўйича хизматлари учун тўловларнинг чекланган миқдори*

| Техник характеристика | Ўлчов бирлиги | Чекланган нарх (ҳар бир бирлик учун; ҚҚСсиз) |
|---|---|---|
| Автомототранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш | Сўм | 51412 |



# БОЖХОНА ПОСТИ ЯНГИ БИНОГА КЎЧДИ

**Давлат божхона хизмати органлари ходимлари куни муносабати билан "Самарқанд" ташқи иқтисодий фаолият божхона постининг янги манзилдаги биноси фойдаланишга топширилди.**

Ушбу янги бино М-37 автомагистралида жойлашганлиги ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига бирмунча қулайликлар яратади. 1,2 гектар майдондаги логистика маркази давлат божхона қўмитасининг 12,6 миллион доллар маблағи ҳисобидан қурилди. 3,3 минг квадрат метр майдондаги божхона омборларида бир вақтнинг ўзида 1200 тонна товарларни сақлаш мумкин.

- Аввалги постда кунига 20-30 тагача юк автотранспорт воситаларини қабул қилиш имкони бор эди, - дейди вилоят божхона бошқармаси бошлиғи Я.Мирзараҳимов. – Янги постда эса кунига 60-70 тагача юк автомобилларини қабул қилиш мумкин. Яна бир аҳамиятли жиҳати, янги логистика марказида бир жойнинг ўзида тест, экспертиза, ўсимликлар карантини, давлат санитария, ветеринария хизмати каби сертификат идоралари ва банк шохобчаси ҳам ташкил этилиб, "Ягона дарча" тамойили асосида хизмат кўрсатилмоқда. Бу аввало вақтни тежайди, қолаверса, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига қўшимча қулайликлар яратади.

Янги постнинг очилиш маросимида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўроқов, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ф.Тошев, Қонунчилик палатаси депутати Э.Салиҳов ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Сана муносабати билан бир гуруҳ соҳа ходимларига вилоят ҳокимлиги, Давлат божхона қўмитаси ва бошқарманинг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Алишер ИСРОИЛОВ (фото).**

**Кун нафаси**

# Одамларни рози қилиш учун

## иш маҳаллабай тизимда жорий қилинади

**Бугунги кунда барча даражадаги раҳбарларга ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги ҳолатни ўрганиш, ишни шу асосда ташкил қилиш, ўз навбатида, барча органлар фаолиятини ўзаро мувофиқ йўлга қўйиш талаби қўйилмоқда.**

Вилоят ҳокимлигида ташкил қилинган навбатдаги фаоллар йиғилишида бу борадаги режа ва вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда бошқарув органлари олдига қўйилган талабни бажариш, одамларни бугунги турмушидан рози қилиш бўйича ишларни амалга ошириш Ургут туманида Сойғўс маҳалласидан бошланиши қайд қилинди.

- Ургутдаги иш қайсидир маънода мастер-класс, яъни фаолиятни ташкил қилишда дастлабки амалиёт вазифасини бажаради, - деди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари Б.Парпиев. - Аввало, бир неча йўналишда ишчи гуруҳлар ташкил этилади. Улар кимлардан иборат бўлади ва нима ишларни амалга оширади, деган савол туғилиши табиий. Бунда биринчи навбатда, маҳаллададаги умумий аҳвол ўрганилади. Халқ қабулхонасида рўйхатга олинган мурожаатлар асосида одамлар нималардан норози эканлигига аниқлик киритилади.

Шунингдек, катта эътибор қаратиладиган масалалардан бири – бу "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилганларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш бўлади.

### 100 МИНГ ИШСИЗГА ИШ БОРМИ?

Вилоят бандлик бош бошқармаси бошлиғи И.Жабборов 100 минг нафардан зиёд ишсизлар рўйхатга киритилганини қайд этди.

- Бугунги кунда вилоятдаги корхона ва ташкилотларда 7 мингдан кўпроқ бўш иш ўрни мавжуд, - дейди И.Жабборов. – Демак, шунча одамнинг бандлигини таъминлаш имконига эгамиз.

Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғини орқали бандлиги таъминланмаган фуқароларни жамоат ишларига жалб қилиш ҳам самара бериши, шубҳасиз. Негаки, айни пайтда мазкур юмуш учун ойига 1 миллион 300 минг сўм ҳақ тўланади.

Шунингдек, тадбиркорликка иштиёқманд, қўлида муайян касби ёки ҳунари бор, аммо имкони етмаётган ишсиз ва камбағал фуқароларга 32 турдаги воситалар бепул берилади.

- Камбағалликни қисқартириш борасида асосий масала маҳалланинг «ўсиш нуқтаси»ни аниқлашга қаратилишини унутмаслик керак, - деди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўроқов. – Бу биринчидан, "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойилини рўёбга чиқариб, одамларни иш билан таъминлашга, қолаверса, шу орқали ҳудудни ривожлантиришга хизмат қилади.

Шунинг учун камбағал ёки бандлиги таъминланмаган фуқароларга кредит асосида иссиқхона қуриб бериш, чорва моллари ва парранда бериш, имконияти ва кўникмаси ўрганилиши, ишсиз, аммо муайян кўникмаси йўқ фуқароларга бевосита тумандаги касбга ўқитиш марказига йўлланма бериб, тегишли машғулотларга жалб қилиш керак.

Ўз навбатида, янги иш ўринлари очиш, фаолият турини кенгайтириш мақсадида тадбиркорлар учун ҳам махсус ўқувлар ташкил қилинади.

Таъкидланганидек, маҳаллабай ўрганиш давомида ҳудудларни ободонлаштириш, ҳар бир хонадонда тандир-ўчоқдан тортиб, санитар-гигиена шароитларини яратишгача бўлган масалаларга эътибор қаратилади.

### КОММУНАЛ СОҲАГА АЛОҲИДА ТОПШИРИҚ

- Тиббий хизмат бўйича алоҳида гуруҳ иш олиб боради, - деди Б.Парпиев. – Бунда нафақат патронаж ишлари амалга оширилади, балки "Соғлом авлод учун" нодавлат нотижорат ташкилотини жалб қилиб, эҳтиёжманд фуқароларга бепул дори-дармон берилиши ҳам йўлга қўйилиши керак.

Коммунал хизмат идоралари, жумладан, электр ва газ таъминоти корхоналарига алоҳида топшириқ бўлади. Чунки бугунги қорли-қировли кунларда улар кўрсатаётган хизмат сифати аҳолининг турмуш тарзи ва кайфиятида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис вилоят даражасида имкони бўлмаган муаммоларни биргаликда республика идоралари билан ҳал қилиш чораларини кўрамиз.

Таъкидланганидек, ишчи гуруҳ борган маҳалладаги ўзгаришларни, турмуш тарзидаги енгилликни одамлар ҳис қилиши керак. Мактаб ва мактабгача таълим муассасаларигача бўлган кўча четида пиёдалар йўлаклари ташкил қилинади. Хонадонлардаги мавжуд шароитларни яхшилаш учун санитария-эпидемиология, фавқулодда вазиятлар идораларининг мутахассислари тегишли хулосаларни беради.

Мазкур хулосалар асосида зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

### МАБЛАҒ МАСАЛАСИ МУАММО ЭМАСМИ?

Йиғилишда жойларда ободончилик, одамлар турмуш тарзини яхшилаш учун амалга ошириладиган кенг кўламли ишлар муайян маблағ ва вақт талаб қилиши ҳам тилга олинди.

Таъкидланганидек, муаммоларни ҳал этишни пайсалга солган мутасаддиларга нисбатан кескин чоралар кўрилади. Фуқароларнинг камчиликларини ҳал қилиш учун «Саховат ва кўмак», Бандлик, хотин-қизлар, «Маҳалла» жамғармалари маблағларидан фойдаланилади, халқаро грант ва субсидиялар жалб қилинади.

**Ёқубжон МАРҚАЕВ.**

**Бизнинг суҳбат**

**Инсоннинг руҳияти билан «ишлаб» уни соғломлаштириш, ўзига ишонтириш, катта мақсадлар сари йўналтириш, бир қараганда мўъжизавий воқеликларни содир қилиш мумкин, деб ҳисобловчилар жуда кўп. Бу билан шуғулланаётган инсонлар ҳам борлиги, уларга эргашувчилар кам эмаслигини биламиз. Лекин инсон фақатгина катта воқеликлар учунмас, оддий муносабатларда, яшашда ҳам руҳиятининг онгости қисмини англашни ва унга таъсир кучини кўрсатишни истайди, шунга эҳтиёж сезади. Аммо шундай пайтда аҳолига ёрдам берадиган психологик марказлар борми? Агар бор бўлса, уларнинг фаолияти нечоғлик? Бу ҳақда «HYPNOSE MEDIKAL» тиббий маркази бош врачи, олий тоифали психотерапевт, гипнолог Моҳира ЎТАЕВА билан суҳбатлашдик.**

# ПСИХОЛОГ хизматига эҳтиёж сезасизми?



**- Нима деб ўйлайсиз, аҳоли орасида психолог, психотерапевт, психиатр врачларга эҳтиёж ошаяптими ёки ҳануз бу хизмат бизда боришга уяладиган соҳа сифатида қараладими?**

- Ўзим фаолият юритадиган маскан мисолида айтадиган бўлсам, эҳтиёж кескин ошганини кузатиш мумкин. Яхши томони - мурожаат этувчилар орасида илгаригидай мажбурликдан эмас, ўз вақтида, ихтиёрий келувчилар кўпайган. Айниқса, руҳий бузилишларда хасталикнинг бирламчи белгилари кузатилиши билан мурожаат этувчилар сони кўпайганини алоҳида айтиб ўтишни истардим. Бу яхши ҳолат.

Оилавий муносабатлар, ўсмирларнинг ўтиш давридаги руҳий бузилиш ҳолатлари, коронавирус пандемияси билан боғлиқ турли кўринишдаги невротик белгилар ва бошқа кўплаб муносабатлардаги муаммолар, инсон ўзини англаши билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан бизнинг марказимизга мурожаатлар сони ҳам ортган.

*2-саҳифа* »»

«««« Ватанимиз Мустақиллигининг 30 йиллиги олдидан »»»»

**Ўшанда мен Олий Советда қўмита раиси лавозимида ишлар эдим. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдан ташқари XII чақириқ VI сессияси ўз ишини бошлади. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов маъруза қилди. Барча депутатлар ва сессия қатнашчилари, ҳатто маърузачи ҳам ҳаяжонда эди.**

# МУСТАҚИЛЛИК – ЭЗГУ ТИЛАК



Ислом Каримов ўз маърузасида мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеалар мураккаблашган бир пайтда СССРнинг жар ёқасига келиб қолганлигини, бундан фойдаланиб ўзларини СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитети, деб эълон қилган бир гуруҳ кимсалар миллионлаб одамларнинг бошига мисли кўрилмаган янги азоб-уқубатлар солмоқчи бўлганлигини таъкидлади.

*- Шундай мураккаб шароитда бизнинг мақсадимиз ва ўз йўлимиз бор. Бу йўл халқимизнинг манфаатига мос йўлдир ва биз унга нима бўлмасин қатъий амал қиламиз, - деди маърузачи. - Шунга асосланиб, биз умумхалқ муҳокамасидан ўтган Жумҳуриятимиз Давлат мустақиллиги Декларацияси ҳамда конституциявий тузум принципларини чекинмай ҳимоя этиб келяпмиз.*

*Мен шу бугундан эътиборан биринчи сентябрни Жумҳуриятимизда Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман. Бу байрам Сизга, халқимизга муборак бўлсин, азиз юртдошларим. Бу байрам абадул-абад бўлсин!*

Ислом Каримовнинг шу гапларидан кейин залда бир муддат сукунат ҳукм сурди. Депутатларнинг кўпчилиги Президент айтган гапларнинг моҳиятини тушуниб етмади. Шунда у киши залдагиларга мурожаат қилиб, «нега жим турибсизлар, қани қарсаклар, деганидан кейин ҳамма ўрнидан турди ва қарсаклар янгради.

Сессия Олий Кенгашнинг "Давлат мустақиллиги тўғрисида"ги баёнотни ва "Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди. Бутун дунёга озод, суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилди. Ўзбекистон ССРнинг номи Ўзбекистон Республикаси деб ўзгартирилди. 1991 йил 1 сентябрь – "Мустақиллик куни" деб эълон қилиниб, байрам ҳамда дам олиш куни сифатида нишонланадиган бўлди.

Халқимизнинг азалий орзуси ушалди.

Бу жараён Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисидаги қарорда аксини топган.

Қарорда "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" ғояси ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирларига сингдирилиши белгиланган.

Қарорда "Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун" ва "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойиллар яна бир бор алоҳида таъкидланган. Бинобарин, иқтисодиётни либераллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш, хусусий мулк ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам четлаб ўтилмаган.

Мустақиллик арафасидаги даврни эсласам, қаерда бўлманг, ким билан суҳбатлашманг ҳамма Иттифоқ шартномасини тузишга қизиқарди. Ўзбекистон ҳамда бошқа республикалар ушбу ҳужжатга ўз муносабатларини билдирганларидан сўнг навбат фақат уни қабул қилишни тантанали нишонлашга қолганди. Иттифоқ шартномасини имзолаш 20 августга белгиланган эди. Шартномани имзолашда қатнашадиган Ўзбекистон делегацияси аъзолари (мен ҳам делегация аъзоси эдим) билан Ўзбекистон компартияси марказқўмининг иккинчи котиби А.Ефимов икки бор тушунтириш, йўл-йўриқ кўрсатиш учун йиғилишга тўплади. Ҳар биримиз ўзимизни қандай тутишимиз, шартнома имзоланаётган пайтда Кремлнинг Георгиев залида қайси жойда туришимиз ва бошқа масалаларни тушунтирди. Ниҳоят, шартномани имзолаш куни ҳам етиб келди. Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг асосий қисми 19 август куни саҳар чоғида Москвага йўл олди. Ўша кунларда Ислом Каримов Ҳиндистон сафарида бўлгани туфайли у киши 19 августнинг иккинчи ярмида Ҳиндистондан аввал Тошкентга, сўнгра Москвага учиши режалаштирилганди.

Биз тушган самолёт икки соат давомида ҳавода парвоз қилгач, Москвада давлат тунтариши содир бўлибди. СССР Президенти М.С. Горбачев барча мансабларидан четлаштирилиб, ҳокимият Фавқулодда ҳолат давлат комитети қўлига ўтибди. Кўчаларга танклар, бронетранспотерлар ва ҳарбийлар чиқарилган. Самолётимиз Москванинг Внуково аэропортига қўнди. Тушиш йўлкалари очилмагани туфайли ярим соатча жойимиздан қимирламаслигимизга тўғри келди. Трап очилгач, ҳузуримизга Ўзбекистоннинг Москвадаги доимий ваколатхонаси ходими чиқиб, Москва шаҳрида бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг тафсилотлари билан бизларни таништирди. Бизнинг хавфсизлигимизни таъминлаш мақсадида тезда Тошкентга қайтишимиз лозимлигини билдирди.

Самолёт техник кўрикдан ўтиши, ёқилғи қуйиб олишига имкон яратиш мақсадида бир-икки соат депутатлар залида кутиб туришга тўғри келди. У ерда Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон вакиллари биздан олдин келиб ўтирган экан. Залда телевизор орқали ҳар доим бир хил мусиқа ("Кичик оққушлар рақси") намойиш қилинмоқда эди. Бир-икки соат ўтгандан кейин телевизорнинг барча каналлари, радио орқали Фавқулодда ҳолат давлат комитети (ГКЧП) раҳбари СССРнинг вице-президенти Г.Янаев мурожаати эшиттирилди. Г.Янаев ўз мурожаатида СССР президенти М.С.Горбачев ўз вазифасини бажара олмаслиги ва истеъфога чиқишини эълон қилиб, барча ҳокимият ГКЧП қўлига ўтганлигини таъкидлади. Унинг гапларида қўрқув, қўлларининг титраб туриши яққол сезиларди. Ҳаммамиз ҳайратда, нима қилишни билмаймиз. Тез орада самолётимиз парвозга тайёр бўлди. Ҳаммамиз Тошкентга қайтиб келдик.

Ислом Каримовнинг йўқлигидан фойдаланиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А.Ефимов ва Ўзбекистоннинг вице-президенти Ш.Мирсаидовлар ГКЧПга телеграмма йўллаб, уларнинг сиёсатини тўла қувватлашини билдирган.

Ислом Каримов 20 август куни Вазирлар Маҳкамасининг катта мажлислар залида Олий Кенгаш Президиуми ва Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган қўшма йиғилишини чақирди. Кун тартибида СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитети (ГКЧП)га ўзбекистонликлар муносабати масаласи турарди. Қўшма йиғилишга тўпланганлар ГКЧП фаолиятига баҳо беришда дастлаб сукунат сақлашди. Сўнг дадил қарама-қарши муносабат билдирувчилар бўлди. Мен қўшма йиғилишда биринчилардан бўлиб, ўз шахсий фикримни очиқ айтишга жазм қилдим, яъни Ўзбекистон Иттифоқ шартномаси асосида мустақил давлат сифатида, ўз истиқболи йўлида курашдан қайтмайди, деган мулоҳазаларимни баён этиб, ГКЧП олиб бораётган бузғунчиликка қарши дадил салбий муносабат билдирдим.

Йиғилишда Ислом Каримов мамлакат даҳшатли ҳалокат гирдобига тушиб қолганлигини таъкидлаб, Болтиқбўйи республикалари каби Ўзбекистон ҳам мустақил давлат бўлиб қолиши кераклигини айтди. 21 миллионли ўзбекистонликлар тинч, осойишта яшашлари учун барча ишларни қилишга тайёр эканлигини изҳор қилди. Республикамизда фавқулодда ҳолат жорий этилмаслиги, сиёсий масалаларни ҳал этишда куч ишлатиш, айниқса, ҳарбийлар аралашувига қатъиян қарши эканлигини очиқ баён этди.

Шу йиғилишдан сўнг И.Каримовнинг республика аҳолисига мурожаати эълон қилинди. Мурожаатда И.Каримов содир бўлган вазиятдан қандай хулосалар чиқариш мумкинлиги ҳақида гапириб, "Оғир синовдан ўтаётган бир пайтда халқимиз сабр-тоқат ва бардош билан, вазмин бўлиб, тинчликни сақлаш мақсадида жипслашиши керак. Бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш керак. Тинчликни бузаётган, ўз манфаатини кўзлаётган ҳар хил шахсларга, муттаҳамларга қулоқ солмасдан, халқимиз ўзи танлаган йўлдан қолмаслиги керак. Юртимиз, халқимиз тарихда жуда кўп синовлардан юзи ёруғ бўлиб чиққанмиз. Ишонаманки, бу оғир синовлардан ҳам эсон-омон ўтамиз", деб таъкидлади. Бу воқеаларнинг барчаси – ўтмиш, тарих.

Бугун Ўзбекистонимизнинг тақдири ва келажаги ишончли қўлларда. Республикамиз тараққиёт йўлидан қатъият билан олға бормоқда. Келажаги буюк давлат қуриш йўлида ўзи кўзлаган эзгу ва ёруғ манзилларга етиш учун ҳаракатда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев давлат ишларини янги поғонага кўтариб, давлатимизни тараққиёт, юксалиш ва янгиланиш даври томон олға олиб бормоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсати ҳам принципиал жиҳатдан мутлақо янги қиёфа касб этмоқда. Минтақада яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик муҳитининг чуқур қарор топиши, узоқ ва яқин давлатлар билан тинчлик, дўстлик, ҳар томонлама конструктив сиёсий мулоқот ҳамда прогматик иқтисодий ҳамкорлик халқпарварлик, тинчликсеварлик мезонларига асосланган ҳолда олиб борилмоқда.

Бугун Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги қатъий қадамлари туфайли дунё ҳамжамиятининг эътиборини тортмоқда. Айниқса, мусулмон дунёсида Ўзбекистон ислом олами учун, буюк олиму уламолар етиштириб берган муқаддас юрт сифатида шуҳрат қозонмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 72-Ассамблеясида "Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз", дея таъкидлаши жаҳон мусулмонлари қалбидан чуқур ўрин олди.

Бугун Ўзбекистоннинг келажаги ва унинг истиқболини белгилаб берувчи Ҳаракатлар стратегияси ҳаётда ўз аксини топяпти. "Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари" ғоясини реал воқеликка айлантириш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда, Ўзбекистон халқаро жамиятда муносиб ўрин эгаллаш учун дадил қадамлар ташлаяпти.

**Эркин ХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи,**
**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори.**

# Психолог хизматига эҳтиёж сезасизми?

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*



**- Лекин психолог, врач психотерапевт ҳар доим ҳам ушбу муносабатларда тўғри йўл кўрсатяптими? Оддий маслаҳатчига айланиб қолмаяптими?**

- Эътирозингиз ўринли, психолог маслаҳатчи эмас. Психолог инсонга қандай яшашни ўргатиши керак эмас. Аксинча, қандай яшаётганини таҳлил қилиб, инсоннинг ўзига англатиб бера олиши жуда муҳим жараён. Бу эса психологдан профессионаллик талаб қилади. Бизда соҳани такомиллаштириш учун, аввало, аҳоли орасида бу хизмат тури тўғрисида кенгроқ тушунча берилиши, оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилиши лозим, назаримда. Қолаверса, ушбу хизмат дунё миқёсида қиммат хизматлардан саналади. Негаки, беморга шифокор бир кунда 20-30 дақиқа вақт ажратса, психолог бир кунда соатлаб вақт ажратиши лозим ва аксарият мурожаат этувчиларнинг муаммоларини битта психологик суҳбат ёки муолажа билан коррекция қилиб бўлмайди.

**- Қабулга келганлардан қайси ҳолат сизни ларзага солган?**

- Биласизми, ҳар бир бемор билан индивидуал ишлаш фаолиятимизнинг асосий мезонларидан. Ҳар бирини чуқур ўрганиш, агар зарур бўлса, болаликда қолиб кетган, онгости зонасида яширинган қўрқувларини, гарчи, унутиб юбордим, дея ўйласа-да, турли қаттиқ стресс ҳолатларининг ўнлаб йиллардан кейинги таъсирларини аниқлаш лозим. Бизда, айниқса, ота-оналарнинг фарзанд билан муносабатларида муаммолар жуда кўп. Оталар ҳам, оналар ҳам аксарият ҳолда ўз фарзанди билан мулоқот қилишни билмайди. У улғайса-да, унга ёш боладек, фақат буйруқ оҳангида муомала қилишга ўрганиб қолган. Бир неча йил олдин бир келинчакни қабулимга олиб келишди. Руҳий жиҳатдан ҳеч қандай нуқсони бўлмаган қиз тўй куни куёв уйига боргач, кескин ўзгариб қолади. Ғалати қилиқлар қилиб, ҳеч ким билан гаплашмай қўяди. Шу қиз билан анча ишлашимизга тўғри келди. Бундай ҳолга тушишига сабаб бўлган асл вазиятни билишга ҳаракат қилдик. Ота-онаси, яқинлари билан суҳбат жараёнида аниқланишича, қиз ҳали турмуш қуришга тайёр бўлмаган. Бир неча марта онасига «Мен қандай қилиб бировнинг уйига бораман?» дея йиғлаган. Бизнинг тасаввуримизча, ҳамма қизлар турмушга чиқади ва бошқа жараёнларни ҳам вақти билан қабул қилиб, кўникиб кетади. Ваҳоланки, ҳар бир инсон индивидуал. Баъзи инсонларнинг руҳияти ҳар қандай янгиликни осонликча қабул қилмайди ва натижада ўзини зўриқтириб қўяди.

Бу эса руҳий ҳолатида бузилиш кўринишида намоён бўлади. Айтмоқчиманки, ота-оналар ўз фарзандларини болалигиданоқ қандай феъл-атворга эга эканлигини тушуниб, шунга қараб муомала қилишлари лозим. Болалигида рўй берган воқеликлар, турли ҳодисаларнинг барчаси инсоннинг онгостида сақланиб қолади. Қаердадир, бир куни келиб ўзини намоён қилиши мумкин.

**- Жамиятга мослаша олмаслик ҳам руҳиятга таъсир кўрсатадими?**

- Яқинда қабулимга бир аёл келди, у катта маблағ сарфлаб, Исроил давлатига ишлашга кетган. У ерда бир ой ҳам тура олмай қайтиб келган ва узоқ вақт клиникамизда муолажа олишига тўғри келди. Гап шундаки, у бошқа давлатга боришга, у ердаги тартиб-қоидаларга риоя қилишга, яқинларидан узоқда бўлишга руҳан тайёр бўлмаган. Унинг учун номаълум жамият, муҳит руҳиятига таъсир ўтказиб, қанча маблағни ҳавога совуришини билса-да, қайтиб келишга мажбур бўлган. Шунинг учун, умуман уйидан чиқмаган, дейлик, бирор жойда ишламаган кишилар хорижга чиқишдан олдин ҳам психолог кўригидан ўтиши турли кўнгилсизликларнинг олдини олади деб уйлайман.

Саволингиздаги яна бир ишорани тушундим. Аслида ривожланган, ривожланаётган давлатларда истиқомат қилувчилар орасида ҳам ўзи яшаётган жамиятга нисбатан турли даражадаги ички исёнлар бўлиб туради. Шунингдек, ривожланган давлатлардаги суицид ҳолати ривожланаётган давлатлардаги бу каби ҳолатлар сабаблари турлича. Аммо уларда ҳам суицид ҳолатларини кам деб бўлмайди.

**- Руҳий касалликларни даволашда бугун қандай усуллар қўлланиляпти?**

- Кейинги йилларда психотерапия йўналишида хусусий клиникалар очишга рухсат берилиши соҳа ривожи билан бирга беморларнинг дарддан фориғ бўлиши статистикасига ҳам таъсир кўрсатди. Нега деганда, одатда халқимиз руҳий касаллик билан оғриган беморни оила аъзолари ҳам рўйхатга олинадиган давлат шифохонасига кўп ҳолатларда олиб боришни истамайди. 34 йиллик тажрибамдан айтишим мумкинки, бундай ҳолатда улар беморни уйида яширишга ҳаракат қилади. Яширишнинг ҳеч иложи қолмагандагина шифокорга мурожаат қилишади. Афсуски, бундай пайтда унинг ҳолатини ижобий томонга ўзгартириш жуда қийин бўлади. Хусусий клиникаларнинг очилиши бундай «тўсиқ»ларни олиб ташлади ва истаган киши «рўйхатга тушиб қолишдан» қўрқмай мурожаат қила бошлади. Касаллик тузалиш кўрсаткичи ошди. Бунда албатта, замонавий даво йўллари, дори воситаларининг қўлланилиши, янгича ёндашув механизмлари ҳам ёрдам бермоқда.

**- Психологик марказлар етарлими, нима деб ўйлайсиз?**

- Назаримда, уларни кўпайтириш керак. Нафақат оилавий муносабатларда, балки инсонлар орасидаги барча муносабатларда, янаям муҳими, инсонни, ўзини англаб олишида психологларнинг ўрни бугун жуда муҳим. Иш услублари янгиланиши, аҳолининг турли қатламлари орасида ўзига хос услубда ишлаш механизмларини жорий этиш керак бўлади.

**- Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!**

**Гулруҳ МЎМИНОВА**
**суҳбатлашди.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони томонидан "Samarqand Chinor Qurilish" хусусий корхонаси раҳбарининг Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимларининг ҳаракатларидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганилди.**

# Солиқчи тадбиркорга кўмакчими ёки...

Ўрганиш давомида Самарқанд вилояти солиқ органлари томонидан "Samarqand Chinor Qurilish" ИТҚ хусусий корхонаси ва шу каби бошқа тадбиркорлик субъектларидан асоссиз равишда пул маблағларини ундириш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди.

Хусусан, Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясининг 2020 йил 24 июндаги 76-х/с-сонли буйруғига мувофиқ, солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва бюджетга тўланиши юзасидан 22 та тадбиркорлик субъектида камерал солиқ текширув ўтказилган. Бу жараёнда инспекция ходимлари томонидан Солиқ кодексининг 248-, 463- ва 303-моддалари нотўғри талқин этилиши оқибатида ушбу тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб рақамига жами қиймати 10,58 миллиард сўмга тенг инкассо топшириқномалари қўйилиб, 20 нафар тадбиркорнинг ҳисоб рақамидан 2,47 миллиард сўм миқдоридаги маблағ ечиб олинган.

Вакил девони ушбу ҳолатдан норози бўлиб, мурожаат қилган 3 нафар тадбиркорнинг ҳисоб рақамига қўйилган 2,57 миллиард сўм миқдоридаги инкассо топшириқномаси олиб ташланиши ва ноқонуний равишда ундириб олинган 500 миллион сўм миқдоридаги маблағлар қайтариб берилишини таъминлади.

Шу билан бирга солиқ органи ходимларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборилди.

**Ш.ҲАМДАМОВ,**
**вакил девонининг Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатувчи етакчи инспектори.**

# 2021 йилда ким қанча солиқ тўлайди?

**Пандемия шароитида коронавируснинг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича Президентимизнинг фармонлари билан бир қатор солиқ имтиёзлари ва преференциялар белгиланди.**

2020 йил 30 декабрдаги «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни билан Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, эндиликда барча солиқ турлари бўйича солиқ ставкалари Солиқ кодекси билан белгиланади. Бунда, акциз солиғининг ставкалари, маҳсулот нархи динамикасидан ва уни реализация қилиш, шу жумладан, импорт қилиш ҳажмидан келиб чиқиб, Президент қарорлари билан йил давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

*Маълумот учун, акциз солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва қатъий белгиланган суммада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари "Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонун билан белгиланар эди.*

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашларига туристик зоналарда жойлашган алоҳида санаторий-курорт объектлари эгаллаган ер участкаларига нисбатан мол-мулк солиғи ва ер солиғининг камайтирилган ставкаларини белгилаш ёки солиқ тўлашдан озод қилиш ҳуқуқи берилди.

Барча солиқ турлари бўйича солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг амалдаги тартиби, шунингдек солиқ ставкалари сақлаб қолинди.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчи корхоналар доирасини кенгайтириш ҳамда ҚҚС занжири узилишининг олдини олиш мақсадида тушум ҳажмидан қатъий назар:

алкоголь маҳсулотлари, шу жумладань пивони чакана сотиш бўйича турғун савдо шохобчалари, бозор ва савдо комплекслари ҚҚС тўловчи ҳисобланади. Товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмаси ойига бир миллиард сўмдан ошмайдиган солиқ тўловчилар учун бир чорак солиқ даври этиб белгиланди.

Акциз солиғи ставкалари бўйича асосий ўзгариш бу - ишлаб чиқарувчилар томонидан туристик йўналишларда ташкил этилган дегустация ҳудудларида (жойларида) реализация қилинадиган табиий вино (шиша идишдагилардан ташқари) маҳсулотлари акциз солиғининг солиқ солиш объектидан чиқариб ташланди.

Президентимизнинг 2020 йил 3 апрелдаги фармони билан солиқ тўловчи жорий чоракда кутилаётган фойда суммасидан бўнак тўловлари тўғрисида солиқ органларига маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқи берилган эди. Эндиликда ушбу меъёр Солиқ кодексига ҳам киритилди.

**Бекмирза АҲМЕДОВ,**
**Меҳриддин САМАНДАРОВ,**
**Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари.**



## Вилоятимизда оилавий корхоналар сони 9 йилда 43 тадан 7145 тага етди

Иштирокчиларнинг товарлар ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк ёки бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектлари оилавий корхона ҳисобланади. Оилавий корхона фаолияти иштирокчиларнинг шахсий меҳнатига асосланади.

Вилоятимизда ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 7145 тани ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2579 тага ёки 56,5 фоизга кўпдир. Уларнинг 6756 таси фаолият кўрсатмоқда.

2020 йилда 2677 оилавий корхона янги ташкил этилди.

**Аслам ХОЛБОЕВ,**
**вилоят статистика бошқармаси бўлим етакчи мутахассиси.**

## Каттақўрғонда IT-марказ очилади

Каттақўрғон туманида ёшлар форуми ўтказилди.

Форум аввалида тумандаги корхона-ташкилотлар ва муассасаларнинг кўргазмаси ўтказилди, туман тиббиёт бирлашмаси томонидан тиббий кўрик ташкил этилди. Бўш иш ўринлари ярмаркасида 142 ташкилотдаги 483 та бўш иш ўрни ёшларга таклиф этилди. Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича туманда ташкил этилиши режалаштирилган IT-марказ кўргазмаси ёшларда қизиқиш уйғотди. Тумандаги тижорат банклари ҳамда Давлат хизматлари марказида ташкил этилган "Лойиҳалар фабрикаси" ходимлари томонидан тадбиркорликка қизиққан йигит-қизлар учун мастер-класс ўтказилди. Тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларга 6 та юк ташиш мотоцикли ва 2 та мотокультиватор имтиёзли кредит асосида берилди.

Форум доирасида туман ҳокимининг ёшлар билан учрашуви ҳам бўлиб ўтди.

**Каттақўрғон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.**

## Акциядорларга қарийб 27,5 миллиард сўм дивиденд ҳисобланган

**Жаҳон ҳамжамиятида капитал бозори тез ривожланиб, глобаллашув жараёнида янги соҳалар кириб келмоқда. Республикамизда ҳам капитал бозорини ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.**



Вилоятимиздаги 29 та акциядорлик жамиятларининг 15 352 нафар жисмоний ҳамда 166 нафар юридик мақомга эга бўлган жами - 15 518 нафар акциядорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи томонидан ҳимоя қилинади.

Вилоятимизда жойлашган акциядорлик жамиятлари фаолиятида 2019 йил март-июнь ойларида 2018 йил якуни соф фойдаси ҳисобидан 16 миллиард 981 миллион сўм миқдорида 15 518 акциядорга дивиденд тўловлари ҳисобланган. 2020 йил март-сентябрь ойларида эса 2019 йил якуни соф фойдаси ҳисобидан 27 миллиард 477 миллион сўм миқдорида дивиденд тўловлари ҳисобланган ҳолда пандемия даврида капитал бозорида акциядорлар ижтимоий қўллаб-қувватланди.

**Норбой ЖЎЛМАТОВ,**
**Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи.**

**"Ўзагроинспекция"нинг вилоят бошқармаси ва туманлар бўлимлари томонидан 11-20 январь кунлари қишлоқ хўжалигида қонунчилик ижроси юзасидан 926 та назорат тадбирлари ўтказилиб, 89 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.**

## 10 кунда 89 та қонунбузилиш аниқланди

Тадбирларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 37 та ёзма кўрсатма берилди, 29 ҳолат юзасидан маъмурий қарорлар қабул қилинди, 17 та ҳолат бўйича ҳужжатлар маъмурий қарор қабул қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга юборилди. Мазкур ҳолатлар бўйича 3 миллион 689 минг сўм маъмурий жарима қўлланилди.

Юқоридаги қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 6 та тақдимнома киритилди.

Ўтказилган назорат тадбирларини ҳудудлар кесимида таҳлил этганда, "Ўзагроинспекция"-нинг вилоят бошқармаси томонидан 21 ҳолатда, инспекциянинг Пайариқ тумани бўлими томонидан 15 та ҳамда Ургут тумани бўлими томонидан 10 та ҳолатда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли тартибда расмийлаштирилди ва ҳуқуқий таъсир чораси кўрилди.

**"Ўзагроинспекция"нинг вилоят бошқармаси ахборот хизмати.**

«««« Самарқанд олимлари »»»»

**Ҳайдар Рўзимуродов университетнинг таниқли олимларидан. У илм-фан йўлида ўқиш-изланиш, илмий тадқиқотлар, талабаларга меҳр билан билим бераётган йилларига назар ташлар экан, танлаган касбидан, умри мазмунли ўтаётганидан қалбида фахр туяди.**



## Камтарга камол

Ҳайдар Рўзимуродов 1961 йилда Иштихон туманида туғилди. Ўрта мактабни битиргач, илмга чанқоқлик уни 1978 йилда СамДУда ўқишга бошлаб келди. 1983 йилда механика-математика факультетини имтиёзли диплом билан тамомлади. Иқтидорли ёш мутахассис ўша йилдан олийгоҳнинг алгебра ва сонлар назарияси кафедрасида дастлаб катта лаборант, сўнгра ассистент бўлиб илмий фаолиятини бошлади. Мақсадга эришиш осон кечмади, албатта. Қатъият, касбга меҳр, ўқиш-изланишдан эринмаслик бўлажак олимга истиқбол уфқларини очиб берди. 1988-1989 йилларда СамДУ стажёр-тадқиқотчиси сифатида дастлабки қадамни қўйди. 1989-1992 йилларда Россия ФА В.А.Стеклов номидаги математика институтининг Санкт-Петербург бўлимида аспирантурани ўтади. 1993 йилдан бошлаб илмий-педагогик фаолияти алгебра ва сонлар назарияси, сўнгра алгебра ва геометрия кафедраларида катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, механика-математика факультети декани, СамДУ магистратура бўлими бошлиғи лавозимларида ишлади. Айни пайтда алгебра ва геометрия кафедраси мудири.

Домла ўз устида ишлашни канда қилмайдиган олим. Ўқитишнинг илғор усуллари, изчил ғоялар, инновацион технологияларни таълимга жорий этиш устида изланади. Унинг 70 дан ортиқ долзарб мавзудаги илмий мақолалари ва тезислари республика, Ҳамдўстлик мамлакатлари ва хориж давлатлари нуфузли илмий журналларида чоп этилган. Халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда ўқиган маърузалари янги ғоя ва хулосаларга бойлиги билан юқори баҳоланган.

Олим ҳозирда давлат грантлари бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда. Европа иттифоқи Темпус дастури грантларида иштирок этган. Билим ва тажрибаларини Россия, Британия, Италия ва Малайзияда ўтказилган халқаро анжуманлар, семинарларда хорижий ҳамкасблари билан баҳам кўрган.

Ҳайдар Рўзимуродов бир неча ўқув услубий тавсиялар, алгебра ва сонлар назарияси фанидан механика-математика факультети биринчи босқич талабалари учун электрон дарслик муаллифи. Олим ўзининг камтарлиги, тўғрисўзлиги, ҳамкасбларига самимий муносабати, меҳрибонлиги ва зарур бўлганда доимо ёрдамга тайёрлиги билан ҳурмат қозонган.

Биз умр баҳорининг олтмишинчи довонига қадам қўйган ҳамкасбимизга мустаҳкам соғлик-саломатлик, илмий-педагогик фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз.

**Аҳмаджон СОЛЕЕВ,**
**СамДУ ўқув ишлари бўйича проректори.**
**Ҳабиба НОСИРОВА,**
**доцент.**

**REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56**

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2021 йил 19 январда 938197 реестр рақами билан рўйхатга олинган «SAMARQAND DILOROM SAVDO PLUS» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «SAMARQAND DILOROM SAVDO PLUS» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2021 йил 26 январдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Умид кўчаси, 14-уй.**

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 308094939.

* * *

Ургут туманидаги «XOTAMTOY KARGO" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 301920610) ўз устав фондини 436 167 000 (тўрт юз ўттиз олти миллион бир юз олтмиш етти минг) сўмдан 5 000 000 (беш миллион) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Ургут тумани Мерганча маҳалласи.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азимова Камола Ҳамзаевна нотариал идорасида марҳум Ашуров Махмудга (2018 йил 21 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азимова Камола Ҳамзаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 18-уй, 51-хона.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Юсупов Насруллага (2017 йил 6 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 152-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Абдусатторова Асолатга (1996 йил 5 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Хамракулов Раимга (2008 йил 1 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норкулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Рахматов Рабимга (2015 йил 14 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норкулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Нуралиев Бурхон Нурмановичга (2018 йил 23 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Зоҳидов Абдураҳмон Эргашевичга (2016 йил 27 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Арифджанов Васифга (1989 йил 22 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукуруллаевна нотариал идорасида марҳум Ахмедова Гульчехра Баротовнага (1994 йил 10 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукуруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.**

* * *

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Рахманов Абдукаримга (2017 йил 9 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

* * *

Нарпай туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Курбонов Азизжон Рузиевич нотариал идорасида марҳум Саидова Мактабга (1999 йил 11 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Курбонов Азизжон Рузиевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Нарпай тумани Давлат хизматлари маркази биноси.**

* * *

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Таджиев Мусурман Суяровичга (2020 йил 20 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносида.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Касымова Махбубага (1993 йил 16 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Покусаев Сергей Владимировичга (2020 йил 20 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қурбонов Рустам Раҳимкулович нотариал идорасида марҳум Мухторова Мехри Джабборовнага (2020 йил 16 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қурбонов Рустам Раҳимкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Гарм кўчаси.**

* * *

Тойлоқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳасанов Аловиддин Ғиёсиддин ўғли нотариал идорасида марҳум Меликулова Лола Хожимуродовнага (2015 йил 26 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳасанов Аловиддин Ғиёсиддин ўғли нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Тойлоқ тумани Тойлоқ шаҳарчаси.**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Самарқанд туманидаги 36-ўрта мактабдан 2002 йилда Рузибаева Сабина Санжаровна номига берилган O'R-Z № 1263068 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Рахмадова Гулмира Мамаюсуфовна номига берилган O'R-A № 1743740 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежидан 2014 йилда Ғофуров Умиджон Улфат ўғли номига берилган руйхат рақами 1784, К № 3242074 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат тиббиёт институтидан 2000 йилда Очилов Гайрат Фарходович номига берилган рўйхат рақами 039 бўлган клиник ординатурани ўтаганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Зияева Гулчехра Уразалиевна номига берилган U № 1702424 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Риззақулова Насиба Бахтиёровна номига берилган O'R-A № 1491751 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 29-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Раджабов Сухроб Тохирович номига берилган U № 1865292 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд тиббиёт билим юртидан 1998 йилда Яхьяева Наргиза Абдушукуровна номига берилган рўйхат рақами 36932, № 190645 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабидан 2018 йилда Отамуродов Тўлқинжон Шуҳрат ўғли номига берилган U № 8379349 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ педагогика коллежидан 2009 йилда Тўйчиева Феруза Файзиллоевна номига берилган руйхат рақами 0435, К № 1278171 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 40-ўрта мактабдан 1992 йилда Халикова Зарифа Зиядуллаевна номига берилган А № 209544 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти қошидаги 2-сон академик лицейидан 2017 йилда Нахалов Анваржон Собиржон ўғли номига берилган рўйхат рақами 37, L № 303654 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали академик лицейдан 2019 йилда Очилов Абдулазиз Азимжон ўғли номига берилган рўйхат рақами 57, L № 0004677 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут иқтисодиёт коллежидан 2017 йилда Сувонов Исломбек Хасан ўғли номига берилган К № 4681680 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан 2019 йил 27 мартда Мирбабаева Насиба Ашуровнага қарашли Самарқанд шаҳри Чилстун маҳалласида жойлашган уй-жой учун берилган 451-40-20 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами ҳамда Самарқанд шаҳар ҳокимининг шу уй-жой учун чиқарилган 2019 йил 4 февралдаги 169-Қ-сонли қароридан кўчирма йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Нарпай туманидаги 1-ўрта мактабдан 1997 йилда Каримова Феруза Абдумаликовна номига берилган O'R-A № 161269 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети рақамли иқтисодиёт факультети жамоаси факультет собиқ доценти
**Зоҳид КАРИМОВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

# O‘qituvchining maqomi qachon oshadi?

**Keyingi paytda birorta bitiruvchisi oliy o‘quv yurtiga kira olmagan maktablar haqida ko‘p gapirilmoqda. Xo‘sh, bunga sabab nima? Ko‘pchilik “o‘qituvchilar sifatli ta’lim bermaganida”, deb aytadi. To‘g‘ri. Ammo o‘qituvchi qachon o‘z ustida astoydil ishlab, sifatli ta’lim beradi? Urgut tumanidagi 7-umumiy o‘rta ta’lim maktabi direktorining o‘quv ishlari bo‘yicha o‘rinbosari, yigirma yillik pedagogik tajribaga ega, oliy toifali o‘qituvchi Nargiza MAMATKARIMOVA bilan suhbatimiz shu haqda bo‘ldi.**



**? - Bugun o‘quvchilarni darsga qiziqtirish biroz mushkuldek. Maktablarda ta’lim sifatini oshirish uchun nima qilish kerak?**

- Kechagi va bugungi o‘quvchilar o‘rtasida ancha farq bor. Ularni fanlarga qiziqtirish uchun har bir fan o‘qituvchisidan katta mahorat, bilim va tajriba talab etiladi. Shuningdek, o‘qituvchi zamon bilan hamnafas bo‘lgani holda ta’limga oid qonun hujjatlari bilan tanishib borishi lozim. O‘tgan yil “Ta’lim to‘g‘risida”gi qonun yangidan qabul qilindi. “Ta’lim-tarbiya tizimini yanada takomillashtirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Prezident qarori ham o‘qituvchilar uchun ayni muddao bo‘ldi. Ushbu hujjatlarning negizida o‘qituvchining maqomini oshirish maqsadi yotibdi. Ta’lim sifatini oshirish uchun avvalo, o‘qituvchining maqomini ko‘tarish kerak.

**? - Sizningcha o‘qituvchining maqomi nega tushib ketdi?**

- Keyingi yillarda ijtimoiy tarmoqlarda o‘qituvchilar haqida salbiy fikrlar ko‘payib ketdi. Masalan, o‘qituvchi dars jarayonida o‘quvchini haqorat qilgani yoki unga qo‘l ko‘targani videoga olinib, internetda joylashtirildi. Guruch kurmaksiz bo‘lmasligi rost, ammo bu kabi salbiy holatlar o‘qituvchi obro‘sini tushirdi. Aholi o‘rtasida o‘qituvchilarga munosabat o‘zgardi. Aslida o‘quvchi darsga xalaqit bermasligi uchun o‘qituvchi unga tanbeh berishga majbur bo‘ladi. Shunday tarbiyasiz o‘quvchilar borki, o‘qituvchini mensimaydi, darsda hammaga xalaqit qilib o‘tiradi. Nega ijtimoiy tarmoqlarda mana shunday tarbiyasiz bolalar muhokama etilmaydi? Ularning ota-onalari kim, nega o‘zidan kattani pisand qilmasligi gapirilmaydi? Nega o‘qituvchining yaxshi tomonlarini ko‘rsatmaymiz? Faqat o‘qituvchidan ayb izlaymiz.

Bundan tashqari, ota-onalarning farzandini erka qilib tarbiyalayotgani ham o‘qituvchi maqomining tushib ketishiga sabab bo‘ldi. Masalan, bola ota-onasiga o‘qituvchidan shikoyat qilib borsa, ular maktabga to‘polon qilgani keladi. Ayrim o‘qituvchilar keyingi yillarda mana shunday janjallar tufayli ham o‘z sohasini tashlab ketdi. Biz bolaligimizda o‘qituvchimiz urishsa, ota-onamizga aytishga qo‘rqardik. Aytsak o‘zimiz gap eshitardik. Avvallari bolalarga tarbiya berishda ota-bobolarimizning “Bolaga yetti mahalla ota-ona”, degan ibratli maqolga amal qilinardi. Afsuski, keyingi paytda bu maqol ham unutildi. Kattalarning o‘zlari asriy an’analarimizga amal qilmay qo‘ydi.

**? - Nima qilsak o‘qituvchining maqomi oshadi?**

- Rivojlangan davlatlarda o‘qituvchi kasbiga hurmat bilan qaraladi. Yosh-u qari, kim bo‘lishidan qat’iy nazar, avvalo, o‘qituvchini hurmat qiladi. Esingizdami, Yaponiyada bir qariya o‘zbek yigitini o‘qituvchi deb o‘ylab, unga jamoat transportida joy bergani haqida ijtimoiy tarmoqlarda yozilgandi. Aslida ularning yutug‘i ham shunda. Bizda esa kattalarning o‘zi o‘qituvchini pisand qilmaydi. Avvalo, “O‘qituvching urishsa menga ayt”, deydigan ota-onalar bilan ishlash kerak, deb o‘ylayman. Ota-ona farzandi maktabda o‘zini qanday tutishi, darslarga tayyorgarlik ko‘rib kelganmi yoki yo‘qligini bilishi lozim. Mana shunda ba’zi tushunmovchiliklar barham topadi. Ota-onalarning o‘qituvchilarga munosabati o‘zgaradi. Agar kattalar oilada muallimni hurmat bilan tilga olsa, bola maktabda o‘qituvchini behurmat qilmaydi.

**? - Agar o‘qituvchi tomonidan biron salbiy xatti-harakat sodir bo‘lsa, qanday yo‘l tutasiz?**

- O‘qituvchi tomonidan biron nojo‘ya xatti-harakat sodir etilsa, uni boshqalarning oldida izza qilmayman. O‘zi bilan alohida gaplashib, xatosini tushuntiraman. Ammo bolaning ota-onasi oldida o‘qituvchiga tanbeh berib, uyaltirmayman. Pedagogik yig‘ilishlarda ham o‘qituvchilarning oldida o‘qituvchining aybini yuziga solmayman. Bunday ish tutadigan rahbarlar xato qiladi. Rahbar har bir xodimning o‘zi bilan gaplashishi, muammolarni o‘zaro hal etishi kerak.

To‘g‘ri, ba’zida to‘polonchi o‘quvchilarni tartibga solish biroz qiyin kechadi. Ular bilan til topishish uchun psixologiyaga oid kitoblarni o‘qib turaman. Kimga qanday muomala qilishni o‘rganaman.

**? - O‘qituvchi sifatli ta’lim berishi uchun nima qilish kerak?**

- Ta’lim sifatini oshirish uchun ham maktablarga o‘qituvchilar saralab olinishi lozim. Ammo bizda o‘qituvchilar etishmagani bois raqobat u yoqda tursin, hatto ayrim fanlardan mutaxassis o‘qituvchini topish muammo bo‘lmoqda.

**Xorijda ish beruvchi har bir xodimining oilaviy ahvoli, muammolarini so‘rab turar ekan. Xodim yaxshi kayfiyat bilan ish boshlasa samaradorlikka erishishini bilgan boshliqlar shunday yo‘l tutarkan. Shuningdek, yaxshi mehnat qilgan xodimlar rahbariyat tomonidan rag‘batlantiriladi. Maktab direktori ham darsga kirayotgan o‘qituvchining yaxshi kayfiyatda ekanini bilishi, uni har tomonlama qo‘llab-quvvatlashi kerak. O‘zingiz o‘ylab ko‘ring, yaxshi kayfiyatda darsga kirgan o‘qituvchi o‘quvchilarga qanday dars beradi-yu, yomon kayfiyatdagi o‘qituvchi qanday dars beradi?**

O‘qituvchi mehnatiga yarasha rag‘batlantirib turilsa, u o‘z ustida ishlaydi. Aksincha bo‘lsa, kasbidan ko‘ngli soviydi. Masalan, bizda shaffoflik yo‘lga qo‘yilgan, shuning uchun ham o‘qituvchilarimiz muntazam o‘z ustida ishlaydi. Yaqinda 17 nafar o‘qituvchi toifasini oshirish uchun attestatsiya komissiyasiga ariza berdi.

Bundan tashqari, Samarqand davlat universiteti professor-o‘qituvchilari bilan hamkorlikda ishlayapmiz. Ular haftada bir marta maktabga kelib, ona tili, matematika fanlaridan seminar-treninglar o‘tmoqda.

Bu kabi sa’y-harakatlar yaqin yillarda o‘z mevasini beradi, albatta.

**Xurshida ERNAZAROVA suhbatlashdi.**



*Toyloq tumanidagi 3-umumiy o‘rta ta’lim maktabining biologiya fani o‘qituvchisi Dilorom Ibodullayeva 11 yil oldin “Xalq ta’limi a’lochisi” unvonini olgan edi. Yaqinda “Sodiq xizmatlari uchun” medali bilan taqdirlandi.*

*- Har bir darsni ko‘rgazmali qurollar asosida o‘tib, nazariyani amaliyot bilan bog‘lab olib borsam o‘quvchilar darsni tez o‘zlashtiradi, — deydi Dilorom Ibodullayeva. Shu bois, darslarni tabiat qo‘ynida va SamDUning biologiya fakulteti muzeyida o‘tkazishga harakat qilaman.*

**Tohir NORQULOV olgan surat.**

# Матлаби – ҳалоллик ва поклик

**Матлаб Эрмуҳаммедова номи бугунги ёшларнинг кўпчилигига нотаниш бўлса-да катта авлод журналистлари, ижодкорлар яхши эслашади. Ўтган аср ўрталарида Самарқанд матбуотида ўзига хос жўшқин овози, ўткир қалами билан тезда кўзга ташланган ёш журналист кейинчалик шу соҳанинг етук вакили, кўплаб йигит-қизларнинг устози даражасига кўтарилди. Телевидение, радио, газеталарда турли вазифаларда ишлаб ҳурмат-эътибор қозонди.**



Матлаб Эрмуҳаммедова 1920 йилнинг 28 январида Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни битиргач, дастлаб ўқитувчилар тайёрлаш институтида, сўнгра Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетида ўқиган. Ёш мутахассис дастлабки меҳнат фаолиятини 1941 йилда матбуотда давлат сирларини сақлаш вилоят қўмитасида бошлади ва бу ерда 1945 йилгача фаолият кўрсатди. Кейинчалик вилоят радио-информацион дастурлар муҳарририяти ўзбек эшиттиришлари таҳририятида сухандон, муҳаррир ва масъул муҳаррир вазифаларида ишлади.

Матлаб Эрмуҳаммедованинг бевосита ташаббуси ва ташкилотчилиги туфайли вилоят радиосида “Ёшлар эшиттириши” йўлга қўйилди. Бу эшиттириш ва дастурларни тайёрлашга ёш, иқтидорли йигит-қизлар жалб қилинди ва “Нотиқлик санъати” ҳамда “Ёш радиожурналистлар” мактаблари ташкил этилди.

1954 йилда Матлаб Эрмуҳаммедова Жомбой туманида чиқадиган “Коммунист” газетасига муҳаррир, 1955 йилдан эса вилоят “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газетасида хатлар бўлими ҳисобчиси этиб тайинланди. Сўнгра мазкур газетада ахборот, хатлар ҳамда оммавий ишлар бўлимлари мудири, адабий ходим сифатида фаолият кўрсатди. 1957 йилда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Газета саҳифаларида унинг ҳароратли мақолалари, ўткир фельетонлари чоп этилди. Таҳлилий-публицистик чиқишлари билан муштарийлар эътиборига тушди.

Таниқли журналист ўз фаолияти давомида кўплаб ёшларга мураббийлик қилди, ижодий жамоа ва вилоят жамоатчилиги ўртасида юксак обрў-эътиборга сазовор бўлди. Шу боис ҳам 1977 йилда Матлаб Эрмуҳаммедова “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан тақдирланди.

Матлаб Эрмуҳаммедова журналист деган номга муносиб бўлиш, унга доғ туширмаслик, жойларда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий воқеа-ҳодисаларни, бор ҳақиқатни, муҳим янгиликларни бўямасдан асл ҳолича оммага етказиш матбуот ҳамда оммавий ахборот воситаси ходимининг асосий вазифаси ва бурчларидан бири, деб ҳисоблар ва ҳамкасблари ҳамда шогирдларини ҳам доимо ҳалол ва пок бўлишга ундар эди.

**Абдурасул АШУРОВ.**

# Mo‘yqalamda aks etgan olam



**Samarqand davlat universitetida talabalar ijodiy ishlari joy olgan “Mo‘yqalamda olam aksi” nomli ko‘rgazma tashkil qilindi.**

Unda rangtasvir va qalamtasvir yo‘nalishidagi portret, manzara janrdagi asarlar namoyish etildi. Ushbu asarlarda tabiatning go‘zal manzaralari, yil fasllarining betakrorligi, momolarimizning samimiy tabassumi, qizlarning o‘zbekona ibosini ko‘rishingiz mumkin.

Ayniqsa, ko‘rgazmadan o‘rin olgan “Non ushlagan qiz” portreti barchada katta taassurot qoldirdi. Asarda rassom tomonidan tandirdan yangi uzilgan nonni ushlagan yosh qizchaning qiyofasi tasvirlangan. Unda ijodkor qizchaning non ushlagan qo‘llari issiqdan kuyayotgan ondagi qiyofasini mahorat bilan aks ettirgan.

**G.MAHKAMOVA,**
**SamDU san’atshunoslik fakulteti o‘qituvchisi.**

**Ishtixon tumani Zarband mahallasida davlat maktabgacha talim tashkiloti faoliyat boshladi. Tuman maktabgacha ta’lim bo‘limi hamda mahalla faollari sa’y-harakati bilan bo‘sh turgan maktab binosi ta’mirlanib, maktabgacha ta’lim tashkilotiga moslashtirildi.**

# Endi Zarbandda ham bog‘cha bor



- Hozirgi paytda 125 nafar bolani qamrab olish imkoniyatiga egamiz, - deydi MTT rahbari Aziz Hamraev. – Bugun nafaqat mahallamiz, bizga yaqin Boyto‘bi, Beshbola mahallalarining maktabgacha yoshdagi bolalari ham bog‘chamizda ta’lim-tarbiya olyapti.

Muassasada beshta asosiy guruhda tarbiyalanuvchilar uchun musiqa, raqs, chet tili to‘garaklari faoliyat ko‘rsatyapti. E’tiborlisi, mahallada istiqomat qiluvchi 20 dan ziyod xotin-qiz va yoshlar doimiy ish bilan ta’minlandi.

**Sulaymon ASOMIDDINOV.**




## Мустақиллик йиллари Самарқандда

**1993 йил, июнь**

Вилоят ҳокимининг фармойишига кўра, Абдуғаффор Мамадалиев вилоят ҳокимияти адлия бошқармасининг бошлиғи, Сирож Холбозоров вилоят қоракўлчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи, Жаҳонгир Ризаев Самарқанд қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти директори этиб тайинланди.

Вилоят пиллакорлари давлат қабул пунктларига 2990 тонна саноат хомашёси етказиб берди.

25 июнь куни Самарқандда Ўзбекистон Фанлар академияси филиали очилди.

**июль**

Самарқанд давлат дорилфунунида 18 минг талаба таҳсил олмоқда.

18 июль куни Буюк Британия қироличаси, Англия қироличаси Елизавета билан герцог Эдинбургнинг қизи малика Анна зоти олиялари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири ва унинг рафиқаси ҳамроҳлигида Самарқандда бўлди.

**август**

21 август куни БМТ Тараққиёт дастури қароргоҳининг махсус маслаҳатчиси Шоҳид Ҳусайн бошчилигидаги делегация Самарқандга келди.

Вилоятимиздаги беш олийгоҳга тест синовлари асосида 9 минг нафар абитуриент талабаликка қабул қилинди.

**сентябрь**

Тойлоқликлар давлатга 53 500 тонна сабзавот етказиб берди.

**октябрь**

Ургут туманидаги Кенагас қишлоғида Туркиянинг “Клесан” фирмаси билан ҳамкорликда пойабзал цехи барпо этилди.

Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳошимий Рафсанжоний бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Ислом Каримов ҳамроҳлигида Самарқанддаги Имом-Бухорий мақбарасини зиёрат қилди.

**ноябрь**

Вилоятда мавсум бошидан буён йиғиштириб олинган оқ олтин 230 минг тоннага етди.

Вилоят ҳокимининг фармойишига асосан Салоҳиддин Бобомуродов Нарпай тумани ҳокими этиб тайинланди.

**декабрь**

12 декабрь куни Япония ташқи савдо палатаси бош директори Ю.Киекава бошчилигидаги бизнесменлар Самарқандга келди.

## ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

**27 январь**

**Ислом ЗОКИРОВ** – (1928-2000) Самарқанд шаҳрида туғилган. Акушер-гинеколог. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги.

**Бурҳон ИСЛОМОВ** - 1938 йилда Пайариқ туманида туғилган. Драматург. Театршунос.

## Ҳаёт сабоқлари

**Ўринбой НОРМАТОВ**

Одам ҳар қандай бойликни сақлаши мумкин. Лекин бойлик одамни сақлаб қолишга қодир эмас.

Ёлғончи одам ёлғоннинг зарари ҳақида насиҳат қилса, унинг салбий оқибатлари ҳақида фалсафа сўқса, бу – мунофиқликдир.

Одобли киши бировнинг ғашига тегмайди.

Ўтаётган ҳар бир кун ҳаёт мактабининг бир дарсидир.

Маданиятли киши камтар, соддадил, ширинсўз, олижаноб ва хушмуомала бўлади.

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 19 874 нусхада чоп этилди. Буюртма 67

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

ҚАБУЛХОНА: (66) 233-91-51, РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: (66) 233-91-56
БЎЛИМЛАР: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета “Зарафшон” таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. “Ношир люкс” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ.
Навбатчи: Х.ЭРНАЗАРОВА.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009